

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

23 **Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармовида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек электрон шаклда маълумотларнинг тўлиқ айирбошла-нишини, сўровларни расмийлаштириш тартиботларини жадаллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида давлат орган-лари билан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг ўзаро ҳамкорлиги са-марадорлигини оширишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақса-дида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

1. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали доирасида, шу жумладан «бир дарча» режимида фаолият кўрсатади.

2. Ягона портал:

жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хизматлари ва функциялари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни;

фойдаланувчиларга электрон шаклда маълумотлар айирбошлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг интеграцияланган интерактив давлат хизматларидан, шу жумладан пулли асосда фойдаланишнинг ягона нуқтаси орқали сўровларни расмийлаштириш имкониятлари берилишини;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Ягона портал фаолияти билан боғлиқ сўровлари ва мурожаатларини ҳисобга олиш, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сифати мониторинги олиб борилишини таъминлайди.

3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш:

Ягона портал орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар учун кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари йиғма реестрини (кейинги ўринларда Йиғма реестр деб аталади) бир ой муддатда тасдиқласин;

уч ой муддатда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда давлат хизматларини босқичма-босқич интерактив давлат хизматларига ўтказиш ва Йиғма реестрга киритишнинг аниқ муддатларини белгилаган ҳолда давлат хизматлари рўйхатини тасдиқласин;

янги интерактив давлат хизматларини Йиғма реестрга киритиш ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш ишларининг ахволи тўғрисидаги масалаларни ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси:

Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатишга ўтиш бўйича норматив-методик раҳбарликни таъминласин;

2013 йил 1 июлгача бўлган муддатда Ягона портални ишлаб чиқсин ва Интернет тармоғида ишга туширсин;

хар йили 1 декабргача Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳолати

тўғрисида ҳисобот ва Йиғма реестр рўйхатини кенгайтириш бўйича қўшимча таклифлар киритсин.

5. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

Ягона порталда Йиғма реестр таркибига кирадиган интерактив давлат хизматлари ўз вақтида ишга туширилишини таъминласинлар;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларда электрон шаклга ўтишни таъминлаш юзасидан ўз ваколатлари доирасида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрсинлар.

6. Белгилансинки, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва масъул ижрочилари интерактив давлат хизматларини жорий этиш ва кўрсатиш, шунингдек уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ кўрсатилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси С.Х. Бекенов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 30 декабрь,
378-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги ушбу Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро

ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 23 августдаги 181-сон, «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарорларига мувофиқ интерактив давлат хизматларидан фойдаланишда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг (кейинги ўринларда фойдаланувчилар деб аталади) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда давлат органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорлиги шартлари ва тартибини белгилайди.

2. Ягона портал давлат органлари томонидан кўрсатиладиган, шу жумладан пулли асосда кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан эркин фойдаланишнинг ягона нуқтаси ҳисобланади.

3. Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ушбу Низомга мувофиқ рўйхатга олиш ва авторлаштириш тартиботидан ўтган аризачилар учун амалга оширилади.

4. Давлат тили Ягона порталнинг асосий мулоқот тили ҳисобланади, шунингдек рус, инглиз тиллари ва бошқа тиллардаги версиялари ҳам бўлиши мумкин.

5. Ягона порталнинг ахборот ва техник кузатуви Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази (кейинги ўринларда «Ўзинфоком» маркази деб аталади) томонидан амалга оширилади.

II. Асосий тушунчалар

6. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалар қўлланилади:

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона портал) — фойдаланувчиларнинг интерактив давлат хизматлари тўғрисидаги маълумотлардан эркин фойдаланишини, шунингдек электрон шаклда давлат хизматлари кўрсатишни таъминловчи Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталидаги маълумот-ахборот портали;

фойдаланувчининг шахсий кабинети — интерактив давлат хизматлари олишда давлат органлари билан ўзаро муносабатлар учун ўзида фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан шахсий маълумотлар, мавжуд бўлган Ягона порталдаги электрон ресурс.

III. Ягона порталнинг мақсади ва вазифалари

7. Ягона портал фойдаланувчилар томонидан интерактив давлат хизматларидан, шу жумладан пулли асосда эркин фойдаланиш мақсадида ташкил этилган.

8. Ягона порталнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фойдаланувчиларга давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш учун имконият бериш;

фойдаланувчиларни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бошқа лойиҳалар билан интеграциялаш;

фойдаланувчиларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги самардорлигини ошириш;

давлат органларига мурожаат қилинганда фойдаланувчилар учун бюрократ тўсиқларни қисқартириш ва уларни бартараф этиш;

«электрон ҳукумат»ни янада ривожлантириш ва давлат бошқарувига замонавий ахборот технологияларини жорий этишда кўмаклашиш.

9. Ягона портал замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида интерактив давлат хизматлари олишда фойдаланувчининг шарт-шароитларини ривожлантириш ва имкониятларини кенгайтириш учун мўлжалланган.

IV. Ягона порталдан эркин фойдаланишга рухсатнома бериш шартлари ва тартиби

10. Ягона порталдан эркин фойдаланишга рухсатнома фойдаланувчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади.

11. Жисмоний шахслар (ариза ва паспорт асосида) ва юридик шахслар (ариза ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосида) учун шахсий кабинетдан эркин фойдаланиш учун рухсатнома:

«Ўзинфоком» маркази ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Компьютерлаштириш маркази томонидан бир иш кун мобайнида;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги компьютерлаштириш марказлари томонидан икки иш кун мобайнида берилади.

12. «Ўзинфоком» маркази ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги компьютерлаштириш марказлари фойдаланувчининг ташаббусига кўра Ягона порталдан эркин фойдаланишни бекитиб қўйиш ёки ёпиб қўйиш ҳуқуқига эгадир.

13. Фойдаланувчи ўзи тўғрисидаги ҳар қандай маълумотлар ўзгарганда беш кун муддатда бу ҳақда «Ўзинфоком» маркази ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги компьютерлаштириш марказлари масъул шахсига хабар бериши шарт.

V. Ягона портал орқали интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш

14. Ягона портал орқали фойдаланувчига бир томонлама ва икки томонлама шаклдаги интерактив давлат хизматлари, шунингдек давлат органлари томонидан кўрсатиладиган транзакцион хизматлар кўрсатилади.

15. Интерактив давлат хизматлари Йиғма реестри (кейинги ўринларда Йиғма реестр деб аталади) Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланади.

16. Йиғма реестрга киритилган интерактив давлат хизматлари мажбурий тартибда Ягона портал орқали берилиши керак.

VI. Мурожаатларни бериш тартиби

17. Фойдаланувчилар шахсий кабинет орқали ўз мурожаатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва давлат органларига (кейинги ўринларда Олувчи деб аталади) юборишлари мумкин. Мурожаат бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳамда бир нечта давлат органларига юборилиши мумкин.

18. Фойдаланувчи ўз мурожаатига: мурожаат шакли тўлдирилганда кўрсатилган почта манзилига электрон шаклда — электрон почта манзилига ёхуд ёзма равишда жавоб олиш турини танлаш имкониятига эга.

Шахсий кабинетдан мурожаат олингандан кейин уни кўриб чиқиш ишлари ёзма мурожаатлар учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

19. Мурожаат олувчи мажбурий тартибда фойдаланувчига мурожаат электрон шаклда қабул қилинганлиги тўғрисида билдиришнома жўнатади.

20. Қуйидагилар фойдаланувчининг шахсий кабинет орқали тушган мурожаатини кўриб чиқишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

одобсизлик мазмундаги мурожаатлар (уятсиз ёхуд ҳақоратли иборалар, таҳдидлар, мантиқ ва маъноси бўлмаган таклифлар ва шунга ўхшаш мурожаатлар);

муурожаат матнида тушунарсиз қисқартиришлар ёки реклама материаллари мавжуд бўлган, таркибида аниқ аризалар, шикоятлар ёки таклифлар бўлмаган мурожаатлар.

Олувчи томонидан мурожаатни кўриб чиқиш рад этилганда бир иш куни мобайнида мурожаатни кўриб чиқишни рад этишнинг асосланган сабаблари кўрсатилган ҳолда фойдаланувчига электрон шаклда рад этиш тўғрисида хабарнома юборилади.

21. Фойдаланувчи томонидан шахсий кабинет орқали юборилган мурожаат унда кўрсатилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган давлат органларига тушганда, беш кун муддатдан кечикмасдан танланган хабар бериш турига асосан бу тўғрида фойдаланувчини хабардор қилган ҳолда тегишли органга юборилади.

VII. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

22. Шахсий кабинет орқали берилган мурожаат мажбурий қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак, қонун ҳужжатларида назарда тутилган

ҳоллар бундан мустасно. Бунда ушбу мурожаат Олувчининг электрон почтасига келиб тушган сана мурожаат қабул қилинган сана ҳисобланади.

23. Олувчига шахсий кабинет орқали келиб тушган фойдаланувчининг мурожаати давлат органи раҳбарининг ички буйруғига асосан тайинланган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

24. Давлат органи битта ва айнан ўша фойдаланувчининг Олувчи бир неча бор ушбу масала бўйича жавоб берган мурожаатини, агар унда янги важлар ёки ҳолатлар келтирилмаган бўлса, кўриб чиқмайди.

25. Ягона порталда «Кўпинча бериладиган саволлар» бўлими ташкил этилади. Ушбу бўлимни шакллантириш ва сақлаш учун жавобгарлик Олувчига юклатилади.

26. Фойдаланувчининг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари:

таклифлар — келиб тушган кундан бир ойгача, қўшимча ўрганишлар талаб қилинадиган таклифлардан ташқари, бу тўғрида таклиф киритган шахсга ўн кун муддатда хабар берилади;

аризалар ёки шикоятлар — Олувчига келиб тушган кундан бир ойгача, унинг томонидан масалани мохияти бўйича ҳал этиши, қўшимча ўрганишлар ва текширишлар талаб қилмайдиганлари эса — ўн беш кундан кечикмасдан ҳал этилиши шарт.

27. Фойдаланувчининг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқишда камситиш тақиқланади.

VIII. Назорат ва жавобгарлик

28. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тартибига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади.

29. Давлат органлари раҳбарлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари Ягона портал орқали кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг асоссиз рад этилганлиги ва хизматлар сифатсиз кўрсатилганлиги учун жавоб берадилар.

30. Фойдаланувчи нотўғри маълумотлар берганлиги, уйдирма ва ҳақоратлар бўлган мурожаатлар узатганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 62-модда):

а) 2-банддаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 3, 16, 17-бандларидаги ва 19-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 13-бандидаги ва 19-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига» ва «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» ва «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 8-сон, 50-модда):

а) 2-банддаги, 3-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илованинг 19 ва 20-бандларидаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-илованинг 38 — 40, 40-1 — 40-6, 45-бандларидаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Респуб-

ликасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 12-сон, 71-модда):

а) 2-банддаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловадаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида» 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда):

а) 2-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 72, 83 ва 84-бандларидаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

12-банддаги «тегишли бўлинмасига» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ҳузуридаги Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини ахборот билан таъминлаш ва уни ривожлантириш гуруҳига қадар» сўзлари қўшилсин.

III бўлимга қуйидаги мазмундаги 12¹-банд қўшилсин:

«12¹. Порталга ахборотни жойлаштириш тартиби:

ахборот хизмати бир вақтнинг ўзида ташкилотнинг расмий веб-сайтига умумлаштирилган ахборотни, ушбу ахборотга гиперҳавола эса — Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат порталининг Контент билан бошқариш тизимида жойлаштиради;

Гуруҳ ташкилотнинг веб-сайтига жойлаштирилган ахборотга гиперҳавола тизимга жойлаштирилган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида уни Порталнинг тегишли бўлимларига жойлаштиради»;

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомга илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Интернет тармоғида Ҳукумат порталига жойлаштириш учун ахборотларни тақдим этишнинг НАМУНАВИЙ СХЕМАСИ



г) 3-илованинг 12-бандидаги ҳамда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун Вазирлар Маҳкама-си Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан ахборотларни тақдим этиш тартиби тўғрисида низомга иловадаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.